

Дин ва дунё



17:00 / 27.06.2022 2670

Баъзи ўринларда Ислом моҳиятини тўла англаб етмаган, унинг асли қолиб, қора фонда кўрсатилган чизгиларидан таъсирланган исоломофоблар бу муқаддас дин ва дунёни бир-бирига тескари қўйишга ҳаракат қилишади.

Аслида-чи?

Дин бу Аллоҳ ва бандаси ўртасидаги муносабат. Одамзод яралибдики, қандайдир ички туйғу ўз устидан ҳукмронлик қиладиган қандайдир илоҳий куч борлигини таъкидлаб келган. Ҳатто, ўзини «тоза» атеист санайдиган кимсада ҳам Аллоҳнинг мавжудлиги ҳақида аллақандай иккиланиш бўлади.

Хуллас, узоқ йиллар мобайнида Аллоҳ ўз борлигини турли элчилари орқали маълум қилиб келди. Натижада, бир қатор динлар шаклланди. Бироқ, уларнинг аксарияти асл моҳиятидан узоқлашиб, дин атрофидаги одамларнинг шахсий қарашлари билан тўлдирилди. Натижада, жаҳолат ва мутаассиблик авж олиб кетди.

Сўнгра, Аллоҳнинг ўзи Қиёматга қадар ўзгаришсиз қолишини ваъда қилган дин бу дунёга туширилди. Ислонинг асл мақсади инсонларни икки дунё саодатига етказиш. Эътибор беринг: икки дунё. Фақат нариги дунё учун бу дунёдан ёки бу дунё учун наригисидан кеч, дейилмади. Зотан, Ислон мўтадиллик мезонида шаклланган.

Агар қаердадир Ислон бўлиб, бу дунёси обод бўлмаётган бўлса, демак у ерда нимадир хато ишляпти, демак у ерда асл Ислон йўқ. Бугун атеистлар оғизларини кўпиртириб, қолоқлиги иддао қилинаётган Ислон ўлкалари асл моҳиятдан узоқлашиб, жаҳолатга ботганлиги сабаб шу кўйга тушмоқда.

Бугун Ислонга тош отаётганлар мусулмонлар Андалусиясини унутган кўринишади. Мен ҳозир Ислоннинг жаҳон тараққиётидаги ўрнини айтиб ўтирмоқчи эмасман. Қизиқувчилар @Islommerosi каналида батафсил билиб олиши мумкин.

Хуллас, соқолчани қўйиб олиб, ҳар жума масжидга чиқиб, пировардида билганини еб юрган билан одам асл мусулмон бўлиб қолмайди. Ёки ҳижобни ўраб олиб, иккита оятни айтиб беролмай, қўлидан уммат учун манфаатли ҳеч иш келмай, паналарда асл башарани ошкор қилиш муслималикни англамайди.

Укаларим, сингилларим! Ўқинг! Икки дунёнгизни обод қилиш учун ҳам ўқинг. Ихтилофлардан қочинг. Умрингизни бекорчи нарсаларга сарфламанг. Ибодатингиз ёнида илм ҳам юрсин. Зотан, бугун мусулмонлар ҳар қачонгидан ҳам илмга муҳтож.

Девонайи Ҳақгўй телеграм каналидан олинди